

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ МУЛОҚОТ

*Баходиров Мухиддин**Самарқанд давлат Чет тиллар институти
Яқин Шарқ тиллари кафедраси 2-босқич магистранти*

Аннотация: Таълим жараёнида мулоқот маданиятини шакллантириш, ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизимини англаиб унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашишида, таълим ва тарбиявий таъсир ўтказишида, ўзаро бир-бирларини тушунишга эришишларида намоён бўладиган хусусиятлар.

Калит сўзлар: Таълим жараёни, педагогик мулоқот, таълим-тарбия.

Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз. Мана шундай беқиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак¹.

Албатта ўқитувчининг асосий вазифаси шахс эркинлигини, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда хизмат қилиши керак. Шундагина таълим тизимида ёшлар орасида эркин фикрлаш имкониятлари пайдо булади. Давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлмиш комил инсон тарбиясига масъул - ўқитувчи зиммасига бугунги кунда ривожланаётган жамиятимиз учун онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, иродаси бақувват, ўз касбини мукамал биладиган XXI аср кадрларини тайёрлаш масъулияти юкланган. Бу масъулият ўқитувчи ва мураббийларнинг бардавом меҳнатлари, ҳар бир соҳа учун киритадиган илмий янгиликлари орқали бартараф бўлади.

Ўқитувчи талабалар билан мулоқот жараёнида мулойим, ақл ва илм билан иш юритиши зарурдир. Чунки мулойимлик кишини ўзига тортади ва оладиган маълумотларини енгиллашишига кўмак беради. Ҳар бир киши бошқа бир кишига, оила ё жамиятга яхшиликни ирода қилса, демак унда мулойимлик хислати мавжуддир. Шу боис ўзига яхшилик етишини умид қилган инсон ва жамият мулойимликка интилиши лозим.

Мулойимлик- заифлик эмас, аксинча, куч ва қувватдир. Кўринки, сув мулойимлик билан тошни ҳам, темирни ҳам тешиб ўтади ва барчага ҳаёт бахш этади. Аммо тош қаттиқ бўлгани билан қаршиликларга учраб парчаланиб ётади ва ҳаммаёқда унга салбий назар билан қаралади.

¹ Шавкат мирзиёев. 30 октябр 2020й. yuz.uz

Мулойимлик – ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир.²

Ўқитувчи талабалар билан мулоқоти самарали бўлишини истаса, тингловчиларни ўзига мойил қилиб олишга ўзидаги бор маҳорати билан интилиши керак. Ўзаро мойилликка эришиш учун амалда самара берган, қўлланилиб келинган бир қатор мураккаб бўлмаган педагогик таъсир этувчи усуллардан фойдаланилади. Уларнинг энг муҳимлари талаба ишончини қозониш ҳамда таъсир этиш ва маъқуллаш усуллари дир. Бу усуллар талаба онгига таъсир этиб, идрок қилиш орқали талабалар ишончини қозониш ва уларнинг мойиллигини келтириб чиқаради. Ишончини қозониш далиллаш, исботлаш орқали олиб борилади. Ишончини қозониш усули мулоқот дастури сифатида дарсдан ташқари жараёнларда, талаба билан якка ҳолда суҳбатларда, маънавий-тарбиявий соатларда қўлланилади. Ишончини қозониш усули ёрдамида ўқитувчи талабаларнинг дунёқарашини шакллантиради, уларда ўз-ўзини тарбиялашга нисбатан жавобгарлик ҳиссини оширади³.

Талаба ишончини қозонишнинг муҳим хусусияти талабаларни шахс сифатида ривожланишида ўз-ўзини тарбиялашидир. Ҳар қандай ўзига ишонган талаба қийинчилик тугилган вақтларда осонгина ишни хал қилиш имконини ўзида топа олади. Ўз-ўзини тарбиялаш талабанинг ўзини ўзи бошқара олиши, ўз фаолияти устида эркин ҳаракат қилиши, ижтимоий мавқеини, ташаббускорлик ва мустақиллигини шакллантиради. Талабада яширин бўлган, ўзи сезмаган баъзи бир қобилиятлари ўз-ўзига ишонч орқали юзага чиқади.

Мулоқот жараёнида ўқитувчи талабани кадрли эканлигини ҳис қилиши, ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиши, унинг ижтимоий ҳуққи ва эркинлигини эъзозлаши лозим. Зеро, таълимни ислоҳ қилишдан асосий мақсад, тарбияда демократиянинг устунлиги, тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчининг бир-бирларига ўзаро ишончи, ҳамкорлик асосида педагогик муносабат моҳиятини ижобий томонга йўналтириш демакдир⁴. Мулоқотни эркин услубда ташкил этиш, таълим-тарбияни чиройли шаклда ташкил этиш, педагогик фаолият марказида инсон шахси турганини унутмаслик, инсонга нисбатан бебаҳо бойлик сифатида муносабат туйғуларини талабаларда ҳам шакллантириш ҳар бир ўқитувчининг бурчидир.

Шунингдек, талаба шахсини ҳурмат қилиш, уларга чексиз меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва ишониш шарт. Ўқитувчининг талабалар билан қилаётган мулоқоти жараёнида уларга ҳурмат кўрсатиши - уларнинг кучига куч қўшади ва

² Muslim.uz

³ Холиқов А. Педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). –Т. 2010. –Б.102

⁴ Холиқов А. Педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). –Т. 2010. –Б.103

имкониятларига ишонч туйғусини шакллантириб тарбиянинг самарадорлигини оширади. Талаба шахсини ҳурмат қилиш ва муносабатни адолатли талабчанлик мезонлари асосида қуришдир. Дўстона мулоқот ўқитувчи билан талаба ўртасидаги билимларни пухта қабул қилишларини таъминлайди ва мукамал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади. Педагогик жараёнда амалга ошириладиган муомала одоби ўқитувчининг ахлоқий маданияти, унинг қай даражада тарбия топганлиги ва унинг қай даражада билимга эга эканлигини яққол маълум қилади. Ўқитувчининг ўзига ва ўз касбига, талабаларга бўлган муносабати унинг мулоқотида намоён бўлмасдан чорасиздир.

Халкимизда буюк ҳикмат бор “Тарбиячи тарбиялашдан олдин ўзи тарбияланган бўлиши керак” , бу ҳикматда жуда катта маъно ва тажриба бор. Тарбияси гўзал, одоби чиройли, билими етук инсонларгина буюк шахсларни чиқишига сабаб бўла оладилар. Шунинг ҳар бир ўқитувчининг маънавий етукликка интилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўз фаолиятига янги қадам қўйган ўқитувчи, айниқса, унга индивидуал ёндашишга ҳаракат қилиши, ҳар бир талабанинг келажагига умид билан қараши ва талабага умид бағишлаши, билим олиш жараёнида талабанинг ўзлаштириши суст бўлса ҳолатига қараб танбеҳ бериши, талабалар жамоаси олдига истиқболли тарбиявий мақсадларни қўйишга интилиши лозим. Ўқитувчи ўз фанидан билими саёз бўлса, ўз устида мунтазам ишламаса, маълум бир педагогик маҳорат сирларини эгаллашга интилмаса, шахслараро муносабатларга ижодий ёндашмаса, талабалар уни аста-секин тан олмай қўйишади. Натижада ўқитувчи ва талаба мулоқотида тузатиб бўлмас хатоликлар пайдо бўлиши мумкин.

“Илм олиш-игна билан қудуқ қазил билан баробар” деганларидек мунтазам меҳнат билан талабалар олдига қўйган ўз мақсадларига ета оладилар. Таълим муассасаларида талаба меҳнат фаолияти билан ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилади. Бунда тажрибали ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Меҳнат - ёш авлодни юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атворини намоён қилувчи, касбий қобилиятларини уйғотувчи энг қадимий ва синалган воситасидир. Ўқув меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнат талаба шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги болани жисмонан чиниқтиради ва фаоллаштиради, хулқ мукамаллигини таъминлайди, ташаббускор ва изланувчан қилиб шакллантиради⁵. Таълим муассасаларида болаларни илк ёшидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга муҳаббат ва меҳнат қилувчиларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзаро мулоқотнинг ўрни чексиз.

Мулоқотдан мақсад, таълим-тарбиявий фаолиятда муваффақиятларга

⁵ Холиқов А. Педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). –Т. 2010. –Б.104

эришиш, Янги Ўзбекистонимиз учун нафи тегадиган келажак авлодни қолдириш, тарихини чуқур урганиб, хурмат қиладиган ва тарихий воқеалар билан фикр юритадиган, ўз келажакига чиройли ёндашадиган, одоб-ахлоқи ва билими мукамал бўлган авлодни қолдиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ш.М. Мирзиёев. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. “Олий таълим: муаммо ва ечимлар” республика илмий-амалий конференция илмий мақолалар тўплами, -Т.: 2020.
3. Холиқов А. Педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). –Т. 2010.
4. Muslim.uz
5. Шавкат Мирзиёев. 30 октябр 2020й. yuz.uz